



ЎҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИДА ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИНГ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИ БИЛАН ҲАМКОРЛИГИ ТАҲЛИЛИ

Аманов Абдоржон Абдуллаевич

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги
Малака ошириш институти
профессори

<https://doi.org/10.5281/zenodo.17865804>

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 01-dekabr 2025 yil
Ma'qullandi: 05-dekabr 2025 yil
Nashr qilindi: 09-dekabr 2025 yil

KEY WORDS

ҳуқуқбузарликлар профилактикаси,
ички ишлар органлари, фуқаролик
жамияти институтлари, ҳамкорлик,
таҳлил.

ABSTRACT

*Мақолада ҳуқуқбузарликлар профилактикасида
ички ишлар органларининг фуқаролик жамияти
институтлари билан ҳамкорлиги таҳлили
хусусида фикр юритилиб, мазкур фаолиятни янада
самарали ташкил этишга оид таклифлар ҳамда
тавсиялар билдирилган.*

Бугунги глобллашув даврида ички ишлар органлари томонидан жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва ҳуқуқбузарликларга қарши кураш фаолиятини самарали ташкил этишнинг бир йўли сифатида фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликни қайд этишимиз мумкин. Мазкур ҳамкорлик объектив зарурат бўлиши билан бирга бошқарув субъектлари томонидан ташкил этиладиган ва тартибга солинадиган тизимли фаолият ҳисобланади¹ [11] (7-с). Хусусан, бугун мамлакатимизда ушбу йўналишда амалга оширилаётган ислохотлардан кўзланган асосий мақсад ҳам ички ишлар органларини халққа янада яқинлаштириш ва мавқеини ошириш ҳамда кенг жамоатчилик яъни, фуқаролик жамияти институтлари билан самарали ҳамкорлик муносабатларини янада мустаҳкамлашдан иборатдир.

Таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда мустақилликнинг илк даврлариданоқ, фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масаласига жиддий эътибор қаратилган ҳолда самарали ислохотлар амалга оширилди ва ҳозир ҳам яъни, Янги Ўзбекистон ислохотлар даврида янгича мазмунда изчил давом эттирилмоқда. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиси тўғрисида»²ги ПФ-4947-сон Фармони асосида эълон қилинган Ўзбекистон

¹

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - <http://lex.uz>.

Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг биринчи устувор йўналишида жамоатчилик назорати механизмларини амалда татбиқ этиш, фуқаролик жамияти институтлари ролини ошириш ҳамда бу орқали давлат ва фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорлигини кучайтириш масалаларига алоҳида аҳамият берилганлигини қайд этишимиз лозим. Яъни, мамлакатимизда амалга оширилаётган бугунги ислохотлар жараёнида, бошқача айтганда, мамлакатимиз тараққиётининг навбатдаги босқичида ҳам давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг аҳамияти, зарурати ва мақсади янада юксалиб бормоқда десак муболаға бўлмади.

Шунингдек, бугунги тараққиёт, глобаллашув даври жамият ижтимоий ҳаётидаги барча субъектларни ўзаро ҳамкорликда фаолият юритишини талаб қилмоқда. Жамият ижтимоий ҳаётида инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ва уларнинг нормал ҳаёт кечириши учун барча зарур имкониятларни яратиш ва осойишталигини таъминлашда давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш ҳозирги куннинг долзарб вазифаларидан биридир.

Шу ўринда қайд этиш лозимки, бугунги кунда ички ишлар органларининг ҳуқуқ-тартиботни сақлаш ҳамда мустақкамлаш, ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, уларга барҳам бериш, уларнинг содир этилиш сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш мақсадида қўлланиладиган ҳуқуқбузарликлар профилактикаси чора-тадбирларини амалга оширишда бевосита давлат органлари билан ҳамда нодавлат ташкилотлари, жамоат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, бир сўз билан айтганда, фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлиги ўзининг ижобий натижасини бермоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислон Каримов: «Салбий ҳодисаларнинг барчаси, жумладан, жиноятчилик ҳам маънавий қашшоқлик, маърифий кемтиклик шароитида вужудга келади. Ана шу хулосадан келиб чиқиб айтиш мумкинки, қонунбузарликнинг олдини олиш, тартиббузарликка қарши курашни кучайтириш, ҳозирги иқтисодий ислохотларни амалга ошириш даврида қонун устуворлигини таъминлаш фақат ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининггина эмас, балки ҳар бир раҳбарнинг, маҳалланинг, жамоатчиликнинг ҳам муҳим вазифасига айланиши керак»³ деб, айти ҳақиқатни таъкидлаган эди. Зеро, ҳар қандай мамлакат ҳудудида аҳолининг кўпчилиги манфаатларини кўзлайдиган адолатли ижтимоий тартиботларни жорий этиш фақатгина давлат органларининг иши эмас. Тарихнинг гувоҳлик беришича, ижтимоий низоларни алоҳида ҳолда давлат ҳам, оила ҳам, бозор муносабатлари ҳам ҳал этолмайди. Фақатгина ижтимоий ҳамкорлик, яъни ижтимоий-сиёсий майдондаги турли кучларнинг конструктив мулоқотигина инсонларга хос турмуш кечириш имкониятларини бериши мумкин. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда ижтимоий шериклик муносабатларини ҳаётга татбиқ этишнинг асосий мақсади давлат ва «учинчи сектор» ўртасида ижтимоий аҳамиятга молик дастурларни амалга оширишда ўзаро ҳамкорликни таъминлашдир⁴.

³ Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш - давр талаби. Т. 5. - Т., 1997. - Б. 205.

⁴ Бегматов А. Ижтимоий шерикликнинг назарий асослари // Фуқаролик жамияти. Ўқув қўлланма. –Т., Ўзбекистон Миллий университети нашриёти. – 2016. – Б. 471.

Айтиш мумкинки, тегишли ҳудудларнинг хусусиятлари ва криминоген вазиятини ўрганиш ва у ерда ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикасида фуқаролик жамияти институтлари билан ўзаро самарали ҳамкорлигини амалга ошириш ўзига хос мураккаб жараён бўлиш билан бирга мамлакатимиз ҳаёти учун ижтимоий заруратдир. Хусусан, мозийга назар ташлайдиган бўлсак, давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорлиги хусусида бир қанча мутахассислар тадқиқот олиб борганликларининг гувоҳи бўлишимиз мумкин. Масалан, хорижий олимлардан Леон Дюги ўзининг «бирдамлик» ғояси орқали давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорлигининг зарурати ва илмий-назарий аҳамиятини нисбатан мукамал асослайди⁵.

Бошқа адабиётларда ҳам давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги ҳамкорлик ҳақида турли фикр ва мулоҳазаларни учратишимиз мумкин. Масалан, классик сиёсатшунослардан Ж.Ж. Руссонинг тадқиқотларида давлат ва жамият ўртасидаги назорат фақатгина ўзаро келишув, ҳамкорлик асосида амалга оширилиши мумкинлигини гувоҳи бўлишимиз мумкин. В.В. Грининг, «давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги самарали ҳамкорлик жамият ҳаётидаги кўплаб муаммоларни ҳал этишга хизмат қилади. Бу ҳамкорликнинг ҳам ҳуқуқий ҳам ташкилий-ҳуқуқий асосларини кучайтириш долзарб масалалардан биридир»⁶ деб фикр билдирган.

Юртимизда ҳам хорижий давлатларда бўлгани каби давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги ҳамкорлик ўзига хос узоқ йиллик тарихига эгадир. Аммо, мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг мазкур йўналишдаги муносабатлар буткул янгича мазмун билан бойиди ҳамда сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди. Яъни, Ўзбекистон Республикасида демократик ҳуқуқий давлат қуриш доктринаси мамлакат мустақиллигини мустаҳкамлашга, кучли конституциявий давлат барпо этишга⁷, давлат ва жамият ҳаётини бошқаришда қонун устуворлигини таъминлашга, «кучли давлатдан кучли жамият сари» тамойилини амалга оширишга қаратилди⁸. Шу билан бирга, юртимизда аҳолини қўллаб-қувватлайдиган турли хил фуқаролик жамияти институтлари жадал ривожланди, улар фаолиятининг ҳуқуқий асослари бойитилди ҳамда уларнинг роли сезиларли даражада ошди. Буларнинг барчасини аҳолининг ижтимоий ва сиёсий фаоллигини ошириш, мамлакатни демократик янгилаш ҳамда модернизация қилишнинг кудратли омили сифатида қайд этишимиз мумкин.

Таъкидлаш лозимки, одатда, фуқаролик жамиятининг асосий функциясини ҳамкорлик ташкил этади. Мутахассисларнинг фикрича, фуқаролик жамиятининг асосий

⁵ Дюги Л. Трактат о конституционном праве. –М., 1996.; Дюги Л. Конституционное право. Общая теория государства: Пер. с фр. –М.: Тип.т-ва И.Д.Сытина, 1908. – С. 957.

⁶ Грив В.В. Взаимодействие государства и гражданского общества: правовые проблемы // История государства и права. –М., 2010. – № 23. – 0,2 п.л. – С. 24–26.

⁷ Отаханов Ф.Х. Нодавлат нотижорат ташкилотлар томонидан тадбиркорлик субъектларига юридик ёрдам кўрсатишнинг хусусиятлари / Фалсафа ва ҳуқуқ журнали. – 2007. – №3. – Б. 28-34.

⁸ Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь. –Т., «Ўзбекистон». – 2010. – Б. 27.

функцияси – ўз аъзоларининг моддий, маънавий ва ижтимоий эҳтиёжларини тўлароқ қондиришдан иборат. Фуқароларнинг иқтисодий, ирқий, минтақавий, касбий, диний ва ҳоказо бирлашмалари индивид манфаатлари, интилиш ҳамда мақсадларини ҳар томонлама амалга ошириш учун ҳамкорлик қилишга жалб қилинади⁹.

Жумладан, ўзаро ҳамкорликдан кўзланган мақсад бошқарув тизими олдида турган умумий масалаларни ҳал этишда куч ва воситаларни тўғри тақсимлаш, биргаликда ҳаракат қилишдан иборатдир¹⁰. Ўзаро ҳамкорликдан фуқаролик жамияти институтлари ҳам, давлат ҳам бирдек манфаатдордир. Давлат органлари ўзаро ҳамкорлик орқали жамият ҳаётидаги долзарб масалалар ечимида қулайликка эга бўлса, фуқаролик жамияти институтлари эса ўз дастурий мақсадларини рўёбга чиқаришда, ўз имиджи ва сиёсий майдондаги нуфузини юксалтиришга эришади¹¹. Ушбу йўналишда самарали ташкил этилган ҳамкорлик давлат ва жамият ривожига, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда, айрим ижтимоий-иқтисодий вазифаларни ҳал этишда, ижтимоий ҳаётдаги муаммоларни аниқлаш ва бартараф этишда муҳим ўрин тутади¹².

Хулоса сифатида айтидиган бўлсак, ҳеч бир субъект у давлатга қарашли ёки нодавлат бўлишидан қатъий назар бошқа тузилмалар билан ўз фаолиятига оид ижтимоий муносабатларда ҳамкорлик қилмасдан, фақат ўзининг ички имкониятларидан фойдаланиб, фаолиятининг самарадор-лигини таъминлаши қийин масаладир. Хусусан, ички ишлар органлари ҳам ҳуқуқбузарликлар профилактикасида фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлик қиладилар ва мазкур ҳамкорликнинг мақсади аввало жамият ижтимоий ҳаётида шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишдир. Зеро, Ички ишлар органларидаги бошқарувнинг асосий шаклларида бири — ҳамкорлик, ҳамкорликдаги фаолиятнинг асосий шартларидан бири эса ўзаро келишган ҳолда хизматни ташкил этиш ҳисобланади¹³.

⁹ Фуқаролик жамияти асослари: ўқув қўлланма / А.Жалилов, У.Муҳаммадиев, Қ.Жўраев ва бошқ. –Т., – 2015. – Б. 28; Шарифхўжаев М. Ўзбекистонда очик фуқаролик жамиятининг шаклланиши. –Т., «Шарқ», 2003. – Б. 30-45.

¹⁰ Зарипов З.С. Профилактическая функция следственных подразделений органов внутренних дел. — Т., 1980. — С. 57.

¹¹ Якубов Ш.У. Ижтимоий шериклик — давлат ва фуқаролик жамияти институтлари ўзаро ҳамкорлигининг замонавий шакли сифатида // Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясининг ахборотномаси. — 2013. — № 3 (35) — Б. 35.

¹² Якубов Ш.У. «Прокуратура органларининг давлат ва нодавлат ташкилотлари билан ҳамкорлиги» мавзусидаги давра суҳбати материаллари. <http://sharh.uz.jamiyat>.

¹³ Камишников А.П. Основы управления в правоохранительных органах. — М., 2004. — С. 27.